

Ким СССРни урушга тайёрланмаган дея олади? Уруш бошлангандан 4 кун ўтгач, Кизил армия Эронга бос-тириб кирди. Бир неча кун ичида шимолий-гарбий Эрон (пойтахти Техрон билан) Шўро армияси назоратига ўтди.

Жанубий Эронни эса АКШ ва Англия армияси эгаллади. Бунака ишлар тўсатдан тайёргарликсиз бўлмади. Гарбий фронтда армияси яксон бўлаётган бир вақтда стратегия нуқтаи назаридан нихоятда муҳим бўлган ҳудудга бостириб кириш Эрон оркали АКШ ва Англия билан алоқа ўрнатиш учун керак эди. Айтилган вақтда Афғонистонда ўрнашиб олган немис агентлари йўқ келинди. Улар зарурият бўлса, жанубдан учинчи фронт очишга тайёргарлик кўришлари лозим эди...

Иккинчи жахон уруши тугаганига 60 йилдан ошди. Салкам эллик миллион кишининг ҳаётига заволи бўлган бу қиргин ҳақида таҳлиллар ҳеч қачон тугамайди. Яқин вақтгача биз коммунистик тузум тақдим этган фикрлар билан чекланган эдик. Бунга кўра, уруш оловини ёқувчилар — Гитлер Германияси, унга хомийлик қилганлар — Англия, Франция, урушнинг жабрдийдаси эса Шўролар мамлакати эди. Бу урушда ярим миллион навиқрон йигитлари ҳамда бутун моддий ва ишлаб чиқариш потенсиали билан Ўзбекистон ҳам иштирок этди. Шунинг учун бугунги кунда, мустақил давлат фуқаролари сифатида ўзимиз ҳам Иккинчи жахон уруши ҳусусида мустақил фикр айта оламиз.

Иккинчи жахон урушининг илҳомчилари кимлар? Жабрдийдалари-чи? Уруш бошланишининг сабаблари нимада? Урушнинг олдини олиш мумкинми? Нима учун голиб мамлакат мағлуб мамлакат садақасига муҳтож? Ўрта Осиё fronti қизигига қанчалик яқин эди? Уруш қимга нима берди?

Иккинчи жахон уруши маълум фактлар асосида айтиш мумкинки, коммунистик ва фашист режимлари ўртасида яқинлик ва тафовут туфайли юзага келган, унинг илҳомчилари Гитлер ва Сталин бўлган!

1939 йил 22 август куни Гитлер тўсатдан Сталинга телефон қилиб, Ташки ишлар министрлиги шифолиқ Москвада қабул қилишини сўрайди. Розилик берилгач, бир неча соатдан кейин Германия Ташки ишлар министр-ри Риббентроп Москвага етиб келган. У Кремлда жуда яхши кутиб олинган. Оддий министрли СССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Молотов, мамлакат раҳбари Сталин дарҳол қабул қилишади. Музоқаралар Ташки ишлар министрлигида эмас, Кремлда — Сталин хонасида олиб борилади. Риббентроп бу ерда Сталиннинг иш стилига ўтириб, Гитлерга қўнғирок қилади. Гап орасида министр мактаниб: “Мен Сталиннинг ўриндигида ўтирибман” деганда, Гитлер: “Табриқлайман! Кремл-ни забт қилиб бўлдингми?” деган! Бу ҳазил бўлса ҳам, унда аччиқ ҳақиқат бор эди.

Шу куни СССР ва Германия ўртасида тузилган “Хужум қилмаслик ҳақида” шартнома билан, Иккинчи жахон урушига фотиҳа берилган. Унга кўра, СССР Болтик бўйи мамлакатлари Корелия, Полшанинг шарқий қисми, Молдавия ва унга яқин жойларни ўзига қўшиб олиш ҳуқуқини қўлга қиритди. Германия эса Чехославакия, Гарбий Полша, Норвегия, Люксембург, Дания, Белгия, Голландияни забт этишга руҳсат олди.

Бир хафтадан сўнг 1939 йил 1 сентябр куни Германия Полшага бостириб кириши билан Иккинчи жахон уруши бошланди. 17 сентябр куни СССР “Гарбий Украина ва Гарбий Белоруссияни озод қилиш” бахонаси билан Полшага бостириб кирди. Шўролар 2 ойдан сўнг Финляндияга қарши уруш очди. 1940 йил бахорида Литва, Латвия, Эстонияга аскар киритиб, “Халқ ихтиёри билан” деган ёлгон бахона соясида уларни ўзига қўшиб олди. Кейин Молдавия ҳамда Руминиянинг шимолий ҳудудлари босиб олинди.

Германия ҳам 1940 йил бахорида Дания, Норвегия, Голландия, Белгия, Люксембургни босиб олди. Фронт Франтсия чегарасига яқинлашгач, немислар бу мамлакатга ҳам бос-тириб кирдилар. 1941 йил Югославия СССР дан ёрдам сўраб, юкори мартабали делегатсияни Москвага юборди. Лўттибозликни қаранг. 7 апрел куни Кремлда “СССРнинг Югославияга харбий ёрдам бериши хақида” шартнома имзоланди. Айни шу дақиқаларда Германия армияси Югославияга бостириб кирди. СССР Германияга хатто дипломатик норозилик ҳам билдирмади. Чунки Болкон ҳудудидаги Югославия ва Гретсия тажовузкор Германиянинг таъсир доирасига кириши зарур эди.

Англия ва Франтсия ўзларини панага олиб, икки девни бир бирига қайрай бошладилар. Гарб кузатувчилари уруш энди Англияга қарши эмас, (Гитлер бир неча марта Англияни босиб олмокчи бўлган эди) Германия ва СССР ўртасида бошланишини башорат қилдилар.

Иккала томон урушга тайёрлана бошлади. Германия “Барбароса режаси”ни ишлаб чиқди. СССРда эса Германияга қучли зарба бериб, уни енгиш ва Кизил армияни Франтсия чегарасига, Англия ва Франтсия армиясига қарама-қарши қўйиш режаси тузилди. Германия матбуоти СССР давлат тузуми, афзаллиги, колхоз қурилиши, республикалар хақида мактов материалларини қўплаб босиб чиқарар, СССРда эса Германия энг яқин дўст мамлакат сифатида қўқларга қўтарилар эди. 1939 йил 21 декабр куни Сталин таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан Гитлер йўллаган табрикнома “Правда” газетасининг биринчи саҳифасида ярим бетни эгаллаган эди. Бу беҳуда эмасди. Иккала томон бир-бирларини мактаб, заиф томонларини излар эдилар. Яна бир жиҳат: Германия армияси дастлабки йиллари (1933-36) СССРда ишлаб чиқарилган танклар ва замбараклар билан таъминланган, Германия учувчилари СССРда билим олишган эди.

Шўролар Германияга руда, нефт, пахта, ёғоч, галлани талаб даражасида етказиб берган. Мамлакатнинг машхур трактор заводлари Германия мутахассислари томонидан қурилган ва зарур бўлганда, харбий машина ишлаб чиқариши мумкин эди. Умуман, ўша даврда Шўро заводларидаги фрезер, тоқорлик, тошқирқар станоклар асосан Германиядан олиб келинган, яъни ўттизинчи йилларда оғир тангликка учраган Германия саноати Шўро буюртмалари хисобига қаддини ростлаб, кейин Гитлер армияси учун энг замонавий қурол-аслаҳа ишлаб чиқара бошлаганди.

Гитлернинг усталигини қаранг. Даст-лаб 1937 йили найранг қилиб, гўё Кизил армия қўмондонлари Сталинга қарши харбий фитна тайёрлаётганлиги хақида ишончли “маълумот” етказди. Кейин бошқа йўллар билан яна турли игво-хабарларни тарқатди. Натижада унинг асосий душмани — Кизил армия раҳбарияти пароканда қилинди:

мамлакат харбий кенгашининг 85 аъзосидан 76 таси — 5 маршалнинг 3 таси, 4 та 1-даражали армия кўмондонидан (армия генерали) 2 таси, 12 та 2-даражали армия кўмондонларининг хаммаси (яъни генерал-полковниклар), 21 та комкор (яъни генераллар) отиб ташландилар. Улар ичида дивизия командири Миршарипов ва яна бошка ўзбек генераллари хам бўлишган).

Полшани парчалаб, бўлиб олишда Гитлер навбатдаги ўйин кўрсатди: мамлакат худудининг 60 фоиздан кўпрогини СССРга берди!

Кейин Брест шахрида совет ва Германия кўшинларининг биргаликдаги харбий паради ўтказилди. Бир йилдан сўнг бир-бирини жон-жаҳди билан яксон қиладиган икки мамлакат кўшинлари бу ерда елкама-элка саф тортиб ўтдилар.

Парадни Гитлер қабул қилди. Узун-кулок гапларга қараганда, бу тантаналарда Сталин хам иштирок этган, дейишади. Аммо бирорта фото ёки ёзма хужжат топилмаган. Бир томондан, Сталин умуман расмга тушишни ёмон кўрарди. Махфий келган бўлиши хам мумкин. Чунки у Гитлернинг фаолиятдан доим хайратланиб, юкори бахоларди. Сталин жуда бўлмаса, харбий парадни радио алоқа орқали Кремлда кузатган бўлиши мумкин.

Германияда рус тилини ўрганишга кизикиш кучайган. СССРда эса мактабларда асосан хорижий тил сифатида немис тили ўқитиларди.

Хуллас, 1941 йил 22 июн гача хар иккала мамлакат урушга баробар тайёрландилар. Гитлер Германияси немис халкига хос педантизм — аниқликка риоя қилиб, урушни аввалроқ бошлади ва дастлабки кунлариёқ рақибини эсанкиратиб қўйди.

Ким СССРни урушга тайёрланмаган дея олади? Уруш бошлангандан 4 кун ўтгач, Қизил армия Эронга бос-тириб кирди. Бир неча кун ичида шимолий-гарбий Эрон (пойтахти Техрон билан) Шўро армияси назоратига ўтди. Жанубий Эронни эса АКШ ва Англия армияси эгаллади. Бунақа ишлар тўсатдан тайёргарликсиз бўлмайди. Гарбий фронтда армияси яксон бўлаётган бир вақтда стратегия нуктаи назаридан ниҳоятда муҳим бўлган худудга бостириб кириш Эрон орқали АКШ ва Англия билан алоқа ўрнатиш учун керак эди. Айни вақтда Афғонистонда ўрнашиб олган немис агентлари йўқ қилинди. Улар зарурият бўлса, жанубдан учинчи фронт очишга тайёргарлик кўришлари лозим эди...

Урушдан кейин дипломатия йўли билан хал қилинадиган масалалар (урушдан кейинги чегаралар, оккупация худудлари, Германия ва Япония тақдири, Хитой, Корея ва ҳақозо...) хали жанглар Днепр бўйларида давом этаётган вақтда, 1943 йил ноябр ойида Техронда, кейин 1945 февралда Ялтада Сталин, Рузвелт учрашувида хал бўлган эди. Хали ўлдирилмаган айик териси хомталаш бўлиб олинганди. Гарчи Гарб мамлакатлари иккинчи фронт очилишини 2 йил орқага сурган бўлсалар хам, уларнинг СССРга харбий ёрдами салмоқли бўлган. Эрон, Шимолий Атлантика хамда Аляска орқали 17500 га яқин самолёт, 13000 танк, 450 хил кема, 2000 паравоз, 376000 автомашина, кийим-кечак, озик-овқат, хом-а-шё етказиб берилган...

1945 йил 1 май куни Берлин таслим бўлди. Сўнгги жанглар Прага ёнида 9 май куни юз берди. 8 майда эса Германия, 2 сентябрда Япония таслим бўлиш ҳақидаги хужжатни имзоладилар.

Энди дунё тинч яшаши мумкин эди. Аммо 1946 йили совук муносабатлар уруши бошланди. Бунда отишма, бос-тириб кириш, кон тўкиш каби ҳолатлар йўқ. Аммо “тинчлик учун кураш” мамлакатларни холдан тойдирарди. Одамлар митинглар килиб, тинчлик учун чакирикларга имзолар тўплашар, саноат эса энг янги моделдаги ҳарбий самолётлар, танклар, ракеталар ишлаб чиқаришни шошилишч ўзлаштирар эди. Оқибатда аҳолининг корни тўймас, нон, озик-овкат, ки-йим-кечак етишмасди.

АҚШ учун охирида, яъни 1945 йил 6 августда мағлуб Япониянинг Хиросима, 9 августда Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташлаш зарурмиди? Аслида бу СССРга пўписа эди. Сабаби Германияни енгган СССР армияси Европага катта хавф соларди.

Ўз навбатида СССР ҳам 1949 йили атом бомбасини, кейинроқ нейтрон бомбасини портлатиб, Гарбни эсанкиратиб кўйди. Саксонинчи йилларда дунёдаги барча атом куроллари бир йўла портлатилса, Ер юзи бир неча бор яксон бўлиши, куррамиз ўз ўқидан чиқиб кетиши мумкин эди!
Яна бир хайратланарли ҳолат

Урушни Шўролар енгди. Герма-ниядаги оддий арра станоккача олиб кетилди. Япония атом хужумидан хонавайрон бўлди. Бу икки мамлакат тақдири аянчли эди. Каранг, энди бу икки мамлакат жахонда энг тараккий этган мамлакатлар ичида 2-3 ўринни эгаллаб, халкининг турмуш даражасини осмонга чиқариб кўйдилар.

Голиб СССР да эса барча турдаги озик-овкат, кийим-кечак етишмас, дўконларда навбат кутиш, олиб сотарлик авж олганди.

Голиб мамлакат ворислари мағлублар садакасига мухтож бўлиб колди. Тараккийёт борасида эса уларни хали-бери кувиб етолмайдиган даражага тушиб колди.

Анвар Тожиев
"Хуррият" газетасидан олинди